# ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ СВЕРДЛОВСК ВИЛОЯТИГА ТАШРИФИ АМАЛИЙ НАТИЖАЛАР БИЛАН ЯКУНЛАНДИ

Ишчи ташриф билан Россия Федерациясининг Свердловск вилоятида бўлиб турган Фарғона вилояти ҳокимининг маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ёрдамчиси Акмал Пўлатов бошчилигидаги вилоят делегацияси Свердловск вилоятининг халқаро ва ташқи савдо алоқалари вазири Вячеслав Ярин билан учрашди.

Учрашув давомида Фарғона вилояти делегациясининг Свердловск вилоятига ташрифи якунлари, ташриф давомида эришилган натижалар, икки вилоят ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш истиқболлари, хусусан, металлни қайта ишлаш, машинасозлик, кимё саноати ва тиббий ускуналар ишлаб чиқариш соҳасида ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек, вилоятимизда ишлаб чиқарилган тўқимачилик, чарм-пойабзал, қурилиш материаллари ва етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Вячеслав Ярин вилоятимиз вакилларининг Свердловск вилоятига амалга оширган ташрифига юқори баҳо бериб, эришилган дастлабки келишувлар ва истиқболли лойиҳаларни амалда бажарилишини таъминлаш борасида Свердловск вилояти маъмурияти томонидан кераkли барча чоралар кўрилишини билдирди.

Ташриф дастурига мувофиқ, Свердловск вилоятида 3 та расмий учрашув ва B2B шаклдаги музокаралар ўтказилди, шунингдек, 10 та ишлаб чиқариш объектлари фаолияти билан яқиндан танишилди, ҳамкорлик учун истиқболли йўналишлар белгилаб олинди.

Шу билан бирга Екатеринбург шаҳрида жойлашган, ўзининг божхона терминали, улгуржи савдо мажмуаси, карантин ва фитосанитария текширув назорат пунктларига эга йирик логистика маркази фаолияти билан танишилди. Свердловск вилоятига Фарғона вилоятидан маҳсулотларни экспорт ҳажмини янада ошириш мақсадида мазкур логистика маркази хизматидан фойдаланиш, вилоятимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмасини ташкил этиш бўйича келишувга эришилди.

Фарғона вилояти делегациясининг Свердловск вилоятига ташрифи ўз якунига етди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram

2022-06-18 21:54:53